

КИТОБХОНЛИК ТАРҒИБОТИ КОНВЕРГЕНТ МАҚОЛА ВОСИТАСИДА

doi 10.47267/2181-8207/2021/4-089

Annotation: In the modern era of advanced information technologies, the issue of improving the culture of reading is becoming more and more urgent. The rapid processes of globalization are shaping a generation that, unfortunately, is far from the deeply rooted thinking in our lives. The article, however, emphasizes that the culture of reading plays a special role in developing immunity against such dangers, in increasing the spiritual and intellectual potential, consciousness and worldview of the younger generation. Using the example of print media, in particular, the newspaper "Vatanparvar", the author draws attention to the importance of ensuring the comprehensive interests of the reader, especially the younger generation. As the author notes, the first thought is that the editorial board of the newspaper has begun to search for and implement important innovative solutions in this direction. It is gratifying that an important semantic role in the propaganda function of the publication is played by the formation of a reading culture among the country's defenders. By an innovative solution, the author emphasizes, we mean a process that directly in the editorial office is aimed at popularizing reading. And in this direction in the article, the convergent materials of the publication are commented in detail.



Алижон Сафаров,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Босма ОАВ ва ноширлик иши факультети Ҳарбий ва спорт журналистикаси кафедраси мудири

Ахборот технологиялари ривожланган бугунги даврда китобхонлик маданиятини ошириш масаласи янада долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнлари, ҳаётимизга чуқур кириб келаётган интернет фикрлашдан йироқ авлодни шакллантиряпти. Бундай хатарларга қарши иммунитетни ривожлантиришда ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда китобхонлик маданияти алоҳида ўрин тутади.

Китобхонлик маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш мумкин. Бироқ ҳамма гап ахборот истеъмолчисига айланиб бораётган аудитория учун таъсирчан усулларни қўллай олишда. Газета ўқимайдиган, китоб ўқимайдиган авлод шаклланяпти, деб бонг урамиз. Бугун глобал тармоқ, ўргимчак тўри инсониятни тобора ўзига тортиб олаётгани ҳам ҳақиқат. Тарози палласида ахборот ва маънавият турибди. Сиз қайси томондасиз? Юк қайси тарафга оғяпти? Замонавий ахборот технологиялари бизнинг онгимиз, шууримизни имтиҳон қилаётгандек. Тобора ахборот истеъмолчиси бўлиб қолиш давлат, жамият учун хатарлими? Шахс ўзини, ўзлигини йўқотиб қўймайдими?

Менимча, муаммо ахборот маданияти билан боғлиқ. Масала ахборотни кераклиси ва кераксизига ажрата олишимизда. Бу орқали ахборот зарарли оқимидан қалб иллатларга тўлиб, хасталанмаслигининг олдини ола билишимиз муҳим. Танимиз оғриса, дарҳол дори-дармон излаймиз. Қалб оғриса, хасталанса-чи? Қалбни нега даволамаймиз, даволашга, жароҳатларига малҳам босишга уринмаймиз? Ўлимдан сақлаб қолишга уринмаймиз? Аслида қалб хасталанса, танамиз ҳам хасталанади. Буни англамаймиз. Демак, ахборот ва маънавият ўртасидаги мувозанатни сақлай билиш шахс учун ҳам, жамият ва давлат учун ҳам муҳим.

«Газета, журнал, китоб, радио, телевидение, телефон, факс, компьютер, интернет, мобиль телефон шарофати билан Ер юзи мўъжаз «қишлоқ»қа айланди-қўйди. Икки дунёни бир қадамга айлантирган ҳам ахборот, глобаллашув жараёнлари махражи, устқурмаси ҳам ахборот. Замонавий тараққиёт, фаровонлигу фароғатнинг нони, суви, ҳавоси ҳам шу! Санаб ўтилган ахборот воситаларининг кўзга кўринмас чангалидан ташқарида яшаётган одам йўқ ҳисоби», деб ёзади фило-

Китобхонлик маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш мумкин. Бироқ ҳамма гап ахборот истеъмолчисига айланиб бораётган аудитория учун таъсирчан усулларни қўллай олишда

логия фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад . «Одамлар китоб, газета журнал ўқимай, ижтимоий тармоқлардаги енгил-елпи ахборий маълумотлар билан чекланиб қолаверса, илм-маърифат ўнгланиш ўрнига, янада хароб бўлмайдими» . Олимлар, зиёлиларнинг хавотирида асос бор.

Глобал тармоқда кун сайин, соат сайин пайдо бўлаётган олди-қочди, шов-шувга ўч нашрлар фикрлаш, мулоҳаза юритишдан йироқ авлодни шакллантиришга хизмат қилаётгандек

Глобал тармоқда кун сайин, соат сайин пайдо бўлаётган олди-қочди, шов-шувга ўч нашрлар фикрлаш, мулоҳаза юритишдан йироқ авлодни шакллантиришга хизмат қилаётгандек. Китоб тамаддуни тугаб боргани сайин, инсониятнинг жангари кайфияти орта бошлашини ёзувчи Фозил Искандар бежиз ёзмаган. Бугун дунё тамаддунидаги зиддиятлар ортида шу ҳақиқатни илғаш мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Қалб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир», деганди. Подшоҳдан яхши амр чиқса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чиқса, жисмнинг бошқа аъзоларига яхши бўлади. Ўз навбатида, қалб маънавият билан тирик. Демак, ахборот асрида имтиҳондан ўтаётган авлод қалбни омон сақлаб қолишида гап кўп. Бунда китобхонлик масаласи, мутолаа маданиятининг аҳамияти беқиёс. Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга Ўзбекистонда сўнгги йилларда бежиз эътибор қаратилмаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида «Чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш тизимли йўлга қўйилмаган» деб ёзилган. Дарҳақиқат, бу борада муаммоларимиз бисёр.

«Конвергенция» лотинча «con-vergo» – «яқинлашаман» сўзидан олинган бўлиб, инглиз тилида «convergence» сифатида талаффуз қилинади ва бир нуқтада жамланиш маъносини беради ...«Бу бир хил мазмунга эга бўлган маҳсулотнинг турли хил каналларда, турли воситалар ёрдамида тарқалишидир»

«Конвергенция» лотинча «con-vergo» – «яқинлашаман» сўзидан олинган бўлиб, инглиз тилида «convergence» сифатида талаффуз қилинади ва бир нуқтада жамланиш маъносини беради. Рус олимаси М. Павликова канадалик ОАВ тадқиқотчиси Дэнис Маккуэйлнинг фикрларига таянган ҳолда, уни қуйидагича таърифлайди: «Бу бир хил мазмунга эга бўлган маҳсулотнинг турли хил каналларда, турли воситалар ёрдамида тарқалишидир».

«Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат, садоқат туйғуси шаклланган шахсни тарбиялашда китобхонликни кучайтириш масаласи алоҳида эътибор талаб. Ҳукуматнинг тилга олинган қарори бўйича оммавий ахборот воситалари қандай ишлар амалга оширилаётир? Бу борада, мисол тариқасида, Мудофаа вазирлиги муассислигида чоп этилаётган «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларига юзланамиз. Дастлабки фикр шуки, газета таҳририяти ҳарбий хизматчиларда китоб ўқишга рағбатни, қизиқишни ошириш борасида муҳим инновацион ечимларни излаб, жорий этишга киришган.

Газетада «Келинг, китоб ўқиймиз» рукни остида 2020 йилдан бошлаб мунтазам равишда ҳар сонда мақолалар чоп этиб борилади. «Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман», «Ўтиб бўлмас ўрмонлардан ўтмоқ лозим», «Дуйшэнинг мактаби», «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ», «Мен Туроннинг қадим қўнғироғимен» каби мақолалар шулар сирасидан. Ушбу мақолаларда муаллиф бир асар таҳлили мисолида газетхонни китоб ўқишга, маънавий озуқа олишга даъват этади. Газетхонларда, хусусан, юрт ҳимоячиларида китобхонлик маданиятини шакллантириш нашрнинг тарғибот функциясида муҳим концептуал аҳамият касб этаётгани қувонарли. Инновацион ечим деганда, таҳририятдаги журналистик материаллар конвергентлашуви жараёнининг китобхонликни тарғиб қилишга йўналтирилганини назарда тутдик.

Маълумки, «конвергенция» лотинча «convergo» – «яқинлашаман» сўзидан олинган бўлиб, инглиз тилида «convergence» сифатида талаффуз қилинади ва бир нуқтада жамланиш маъносини беради. Рус олимаси М. Павликова канадалик ОАВ тадқиқотчиси Дэнис Маккуэйлнинг фикрларига таянган ҳолда, уни қуйидагича таърифлайди: «Бу бир хил мазмунга эга бўлган маҳсулотнинг турли хил каналларда, турли воситалар ёрдамида тарқалишидир».

Филология фанлари номзоди, доцент Н. Қосимова ўзининг «Онлайн журналистика» дарслигида конвергенциялашув хусусида тўхталиб, амалиётда конвергенция бир неча кўринишларда намоён бўлишини таъкидлайди. Шулардан бири тайёрланаётган журналистик материалнинг конвергенциялашуви ҳисобланади. Бунда журналист томонидан тайёрланаётган ҳар бир материал матн, видео, аудио сингари қисмлардан иборат бўлади ва барча ОАВ каналларида узатиш мумкин. Олима таснифидаги журналистик материалнинг конвергенциялашуви «Ватанпарвар» газетасида оммабоп мақолаларнинг аудиоматнини тинглаш учун QR код саҳифада эълон қилиниши , QR кодни сканер қилиш орқали аудитория қизиқарли материаллар асосида тайёрланган видеороликни томоша қилиш имконига эга бўлишида кўзга ташланади . Таҳририят айнан бу стратегияни китобхонлик

маданияти билан боғлиқ масалага ҳам йўналтираётгани эътирофга сазовор. Масалан, «Ҳарольд Ламб: «Бобур – йўлбарс» сарлавҳали мақола чоп этилган саҳифа четига «Инновация. Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR кодини сканер қилинг» ёзуви киритилган . Материал америкалик шарқшунос олим Ҳаролд Ламбнинг узоқ йиллар изланишлари маҳсули бўлган «Бобур – йўлбарс» номли асаридан таъсирланиб ёзилган. Матнли ахборотнинг овозли ахборот – аудиоматн шаклида ҳам узатилиши, биринчидан, интернет имкониятидан унумли фойдаланишга, иккинчидан, аудиториянинг эътиборини янада тортишга уринишни кўрсатади. «Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганида...» номли материалдаги конвергентликда ҳам китобхонлик тарғиботи билан боғлиқ ахборот мавжуд. Газета таҳририяти ва муассис муаммога ёндашувнинг бундай самарали усулларини татбиқ этиш орқали:

- ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий барқарорлигини таъминлаш;

- ҳарбий хизматчиларни жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликларда илғорликка руҳлантириш;

- аудиторияда ватанпарварлик, мардлик, жасорат, матонат каби фазилатларни тарбиялаш;

- китобхонлик тарғиботини ривожлантириш каби мақсадларни кўзда тутганлиги материаллар таҳлилида яққол билинади.

Шу ўринда айрим таклифларни билдириб ўтсак. «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида, умуман босма нашрларда китобхонлик бўйича берилаётган материалларга QR код қўйиш орқали қўшимча имкониятларни киритиш китобхонлик билан бирга, медиамаркетинг ривожига, муаллиф, ношир ва китобхон учун самарали мультимедиа платформа ва шакллар юзага келишига замин яратиши мумкин. Улар қуйидагилар:

- босма ОАВнинг онлайн шакллари аудиториясини кўпайтириш;

- медианинг бизнес стратегиясини шакллантириш;

- конвергент материал ёрдамида бадиий (илмий) асарни электрон сотиб олиш учун иловаларни киритиш;

- конвергент материал QR кодига китобхонлик мавзуси акс этган Webpage, YouTube ва бошқа оммабоп саҳифаларга ҳаволаларни киритиш;

- китобнинг mp3 аудиоматнини юклаш бўйича илова бериш;

- конвергент материал QR коди орқали китобларнинг электрон каталогига илова бериш;

- конвергент материал QR коди ёрдамида онлайн-китоб савдоси бўйича машҳур сайтлар-га илова бериш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, интернет жадал суръатлар билан ривожланаётган даврда ОАВда конвергенция жараёни китоб ва китобхонлик бўйича ахборот йиғиб, тарқатишда фаол қўлланилиши жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида самара бериши мумкин.

босма нашрларда китобхонлик бўйича берилаётган материалларга QR код қўйиш орқали қўшимча имкониятларни киритиш китобхонлик билан бирга, медиамаркетинг ривожига, муаллиф, ношир ва китобхон учун самарали мультимедиа платформа ва шакллар юзага келишига замин яратиши мумкин

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вартанова Е. Л. К чему ведет конвергенция в СМИ. - М.: Аспект-Пресс, 1999; Павликова М. Сетевые технологии и журналистика: Эволюция финских СМИ. - М.: РИП-холдинг, 2001; Качкаева А. Г

2. Олим С. «Тафаккур» журнали, 2020, № 2.

3. «Ватанпарвар» газетаси, 2020 йил июнь-ноябрь сонлари.

4. Қосимова Н. Онлайн журналистика. Т.: 2019,-Б.184.

5. http://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/09/.pdf.

6. https://xs.uz/uzkr/post/akhborot-madaniyati-hayot-mamot-masalasi

7. https://lex.uz/docs/5160827

Интернет жадал суръатлар билан ривожланаётган даврда ОАВда конвергенция жараёни китоб ва китобхонлик бўйича ахборот йиғиб, тарқатишда фаол қўлланилиши жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида самара бериши мумкин.

Алижон Сафаров, заведующий кафедрой военной и спортивной журналистики Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана.

В современную эпоху передовых информационных технологий все более актуальным становится вопрос повышения культуры чтения. Стремительные процессы глобализации формируют поколение, далекое, к сожалению, от глубоко укоренившегося в нашей жизни мышления. В статье, тем не менее, подчеркиваетя, что культура чтения играет особую роль в выработке иммунитета против подобных опасностей, в повышении духовного и интеллектуального потенциала, сознания и мировоззрения подрастающего поколения. Автор на примере печатных СМИ, в частности, газеты «Ватанпарвар» обращает внимание на важность обеспечения всесторонних интересов читателя, в особенности молодого поколения. Как отмечает автор, первая мысль заключается в том, что редакция газеты приступила к поиску и внедрению важных новаторских решений в этом направлении. Отрадно, что важную смысловую роль в пропагандистской функции издания играет формирование культуры чтения у защитников страны. ■